
ЯПОНИЯ, СИНГАПУР ВА МАЛАЙЗИЯ ИНВЕТОРЛАРИ ГУРУҲИ БИЛАН ВИЛОЯТИМИЗГА ҚАТОР СОҲАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МУЗОКАРАЛАРИ АМАЛИЙ БОСҚИЧГА ЎТМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Япония, Сингапур ва Малайзия инвесторлари гуруҳи вакиллари қабул қилди.

Учрашувда ушбу гуруҳ томонидан вилоятимизда туризм, таълим, қурилиш, кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаси каби қатор тармоқларда амалга оширилиши режалаштирилаган инвестициявий лойиҳалар муҳокама қилинди. Ҳамкорлик музокаралари амалий босқичга ўтаётгани учрашув давомида мамнуният билан қайд этилди.

Фарғона вилояти билан ҳамкорлик салоҳиятини юқори баҳолаган малайзиялик Датук Давид Йеох, дастлабки босқичда режалаштирилаган лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг яна кўплаб сармоядорларини Фарғонага жалб қилишини таъкидлади.

Япония, Сингапур ва Малайзия инвесторлари гуруҳи режалаштирилаган инвестициявий лойиҳалар учун кўзда тутилган инвестицияларнинг дастлабки траншини Фарғонада хорижий корхона сифатида рўйхатдан ўтган ўз компаниялари ҳисобига яқин кунларда ўтказиши маълум қилинди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Мамажонов ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-03-28 09:14:54